



Муносабат

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР МАМЛАКАТ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери
ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган геосиёсий зиддиятлар, турли минтакаларда содир этилаётган ҳамда давом этаётган низо ва тўқнашувлар, шафқатсиз рақобат муҳити савдо ва инвестиция оқимлари, товар ҳамда хизматлар айланишида транспорт-логистика тизимининг бир меъёрга ишлашига тўсик бўлаётгани аини ҳақиқатдир. Шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Президентимиз томонидан Республикада хомашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, шу асосда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ҳамда Республика иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгай-

тириш ва модернизация қилиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, инвестиция жараёнини жадаллаштириш ва ҳудудларга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, жойларда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари ижроси иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестиция оқимини кенг жалб қилиш имкониятини яратиб берди, десак муболаға бўлмайди.



Кун мавзуси

ОзоД ШАРОФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

“Мен бир нарсага ҳайрон бўлаверман. қачон қараманг, тўртта одам йиғилса, фарзанд тарбиясининг оғирлиги, уларни одам қилишнинг азоблиги тўғрисидаги ҳасратга дуч келамиз. Ў-ў-в биродарлар, бунинг энг осон, энг арзон, энг самарали йўли – усули шундоқ ёнингизда турибди-ку:



болангизни китоб ўқишга ўргатинг, унинг кўнглида бадиий адабиётга меҳр ва муҳаббат уйғотинг, фарзандларингизга уч-тўрт сўмни қизганмай мунтазам китоб олиб беринг! Ахир дунёда китобдан ҳам ақллироқ, ундан ҳам донороқ бирор устозни топиб бўладими? Ахир китобларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ-ку! Одамни одам қиладиган жамики куч-қудрат, ҳикмат, ғўзаллик, ақл ва одоб китобларда “мана-ман” деб турибди-ку! Наҳотки, бу буюк неъматдан, бебаҳо бойликдан бебаҳра бўлиб ҳам одам бўлиш мумкин, деб ўйласангиз?!”

Фракция йиғилиши



КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ҳамда унинг ваколатларига доир янги нормаларнинг белгиланганлиги Ўзбекистон Республикасининг

Конституциявий суди фаолиятини ягона ёндашув асосида иш қилиш зарурлигини таъкидламоқда.

Маълумки, энди Ўзбекистон Республикаси референдумига олиб чиқиладиган масалалар дастлаб Конституция-

вий судда кўриб чиқилади ва унинг Конституцияга мувофиқлиги аниқланади. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ Конституциявий суд судьялари эндиликда қайта сайланиш ҳуқуқсиз 10 йил муддатга сайланиши белгиланяпти. Илгари Конституциявий суд судьялари 5 йилга, кейин 10 йил муддатга сайланар эди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эгалигидан келиб чиқиб, Конституция ва қонунларнинг сўзсиз устуворлиги ҳамда уларнинг бир хилда амалда бўлишини таъминлайди.

Фракция аъзолари партия Сайловолди дастуридаги мақсад ва ғоялардан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳаси муҳим концептуал ҳужжат эканлигини, ушбу йўналишдаги қонунчиликнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини эътироф этиб, уни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

“Адолат” СДП
матбуот хизмати

Бугунги сонда

ТЕРГОВДАН ЯШИРИНГАН ҚОНУНБУЗАР

Л.Пирматов шу кунги тадбиркор танишларидан бирининг 200.000.000 сўм пулини Андижонга олиб бориб бериш учун “Ласетти” автомашинасининг юкхонасига жойлаб қўйган, сўнг йўловчи олиш мақсадида автотураргоҳга келганди. Бироқ тунги пайт бўлгани боис ҳадеганда Андижонга кетадиган йўловчилар келавермади. Бинобарин, Лазиз соат 01:30ларда ёлғиз ўзи водий томон йўл олди. Ҳамтовоқлар ҳам унинг ортидан таъқиб этиб, йўлга тушишди.

ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ШАҲС ТАЛҚИНИ

Хоразмшоҳ бутун олам шаҳаншоҳи бўлиш ҳаёлотидан уни амалда исботлайдиган қудрат соҳиби эдимиз? Албатта, унда иқтисодий ва ҳарбий қувватлар бемисл эди. Хоразмшоҳга бўйсунган шаҳарларнинг ўзи 400 тадан ортиқ бўлиб, бу шаҳарларнинг қарийб учдан бир қисмидан кўпроғи Буюк ипак йўли орқали жаҳон иқтисодий алоқалари билан боғланган, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланган фан-маданият ўчоқлари эди.

МЕТИН ИРОДА СОҲИБИ

Уйимизда эски, бузуқ телевизор бўларди, уни таъмирлаш анча машаққат талаб қиларди. Бир кунги уйга уни тузаттиш учун уста келди. Устанинг олдида ўтириб, унинг ишларини кузатдим. Телевизорни очиб, қайси симни нимага улади, лампаларини қандай алмаштирди, барчасини кунт билан кузатдим.

ЛУКМОН БҲРИХОН ЎТИРИК

(ҳикоя)

– Отахон, сизнинг юзингиз ҳамиша ёруғ. Сиз ўтирик сурганингиз йўқ. Сиз чиндан ҳам ҳокимга учрашдингиз, илтимосни етказдингиз.
– Йўғ-а, қайтиб?
– Ана, – ён ҳамроҳ олд ўриндиқда ўтириб, гўё дала-даштни кузатиб кетаётган хумкалла, қоп-қора кишига ишора қилди, – сиз айтган оппоқ, келишган ҳоким шу ерда...
Ҳайдовчи баралла кулиб юборди. Ҳоким ҳам мийиғида илжайиб ортга ўтирилди.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР МАМЛАКАТ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларини тизимли мониторинг қилиш ҳамда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини аниқ мезонлар асосида баҳолаш механизмлари кенг жорий этиб берилмоқда ва бу ислохотлар самарасини бермоқда.

Президентимиз раҳбарлигида инвестиция жалб қилишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида инвестициянинг мамлакат тараққиёти ва иқтисодиёти учун нақадар муҳим эканлиги муҳокама этилди.

Йиғилиш давомида Президентимиз томонидан давлатни янада тараққий топтириш учун янги-янги технологиялар, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, малякали мутахассислар керак эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳокамалар жараёнида йил бошида режа қилинган хорижий сармояларни ўзлаштириш вазифаларининг ижроси кўриб чиқилди. Бу йилги инвестиция ва ҳудудий дастурлар доирасида жами 20 миллиард доллар хорижий сармояларни ўзлаштириш бўйича ишлар ва режалар белгиланган эди. Шу боис йиғилишда тармоқ ва ҳудудлардаги инвестиция кўрсаткичлари, лойиҳаларнинг ижроси ва йил якунигача бўлган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида тармоқларда 3,6 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилган. Андижон шаҳри, Булоқбози, Ромитан, Ғалларол, Фориш, Кармана, Давлатбод, Чуст, Каттақўрғон, Сирдарё туманларининг ҳар бирига 50 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилган. Натижада ушбу туманларда жами 50 мингта янги иш ўрни яратилиб, қўшимча 1 триллион сўм тушум пайдо бўлган.

Йиғилишда инвестиция дастурларидаги 1500 та лойиҳани тезлаштириш ва 12 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир тармоқ ва ҳудудга инвестицияларни жалб этиш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ ҳаракатлар алгоритми кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, давлат инвестиция дастури доирасида 11,5 миллиард долларлик 272 та йирик лойиҳани муддатидан олдин фойдаланишга топшириш бўйича “лойиҳабай” иш ташкил этилиши белгиланди. Хусусан, қурилишни тезлаштириш ҳисобига 29 та, ускуналарни олиб келиш ва ўрнатишга кўмаклашиш орқали 49 та лойиҳани олдинроқ ишга тушириш имконияти яратилади. Натижада, 700 миллион долларлик инвестицияларни муддатидан 2-3 ой олдин ўзлаштирилишига эришилди.

Президент томонидан бу борада Транспорт вазири ва мамлакатимизнинг хориждаги элчиларига кўрсатмалар берилди. Ҳудудлардаги лойиҳаларни инфра-тузилма билан таъминлаш учун назарда тутилган 1,2 триллион сўмга қўшимча яна 100 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Айни вақтда, тармоқларда 230 та лойиҳа доирасида 4,4 миллиард доллар, ҳудудларда 1200 та лойиҳа доирасида 4,6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши зарур. Бунда лойиҳалар 3 та тоифага ажра-

тилиб, улар билан манзилли ишланади. Яъни, йирик лойиҳаларга вилоят ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари, ўрта лойиҳаларга туман ҳокими, кичик лойиҳаларга туман ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари масъул бўлади. Бу тизимни самарали йўлга қўйиш ҳамда масалаларни жойида ҳал этиш учун ҳар бир ҳудудга мутасаддилар бириктирилди.

Йиғилишда ҳамкор мамлакатлар билан инвестициявий шериклик натижалари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, сўнгги икки йилда Саудия Арабистони, Франция, Венгрия, Сингапур, Миср, Германия, Хитой, Италия, Қатар ва бошқа давлатлар билан бўлган олий даражадаги учрашувларда кўплаб келишувларга эришилганлиги мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Бу борада Венгрия, Покистон, Таиланд, Чехия ва Япония каби мамлакатлар билан ҳамкорликда ижобий ўзгаришлар борлиги ва бу давлатлардан инвестиция жалб қилиш жорий йилнинг ўзида 450 миллион долларга етганлигини кўришимиз мумкин.

Эндиликда хорижий келишувлар доирасидаги инвесторлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди. Унга кўра, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигида “инвестиция менежери” лавозими ташкил этилади ва бевосита вазирга бўйсунди. Улар хорижий инвесторлар билан доимий алоқада бўлиб, зарур масалаларни ҳал қилиб боради. Шу тизим асосида ишлаб, жорий йилнинг ўзида қўшимча 3 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш мумкинлиги тўғрисида айтиб ўтилди.

Шунингдек, аксарият вилоят, туман ва шаҳарларда шакллантирилган инвестиция лойиҳалари асл имкониятларга мос эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Хусусан, сўнгги икки ойда саноати паст ривожланган 60 та туманга консалтинг компаниялари жалб қилиниб, 6,5 миллиард долларлик 2 мингдан зиёд истиқболли лойиҳалар яратилган. Бу ҳар бир туманга ўртача 110 миллион доллар инвестиция кириб келади, юзлаб иш ўрни яратилади дегани.

Шундан келиб чиқиб, консалтинг компаниялари билан бирга барча туман ва шаҳарларда “изланиш – ишлаб чиқиш – амалга ошириш” тамойили асосида янги лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди. Уларни хорижий инвесторларга тақдимот қилиш учун йил якунига қадар ҳар бир вилоятда ҳудудий инвестиция форуми ўтказилади.

Шунингдек, Ҳукумат комиссияси томонидан иқтисодиётга катта туртки берадиган 97 та йирик саноат лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳа орқали 6,7 миллиард доллар ўзлаштирилиб, 3 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ҳамда 27 мингдан ортиқ бўш иш ўрни яратилади.

Йиғилиш давомида Президентимиз томонидан инвестиция дастурларидаги 1,5 мингта лойиҳани ишга тушириш ва 12,1 миллиард доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича янги тизим жорий қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Бир сўз билан айтганда, бундай инвестицияларнинг ишга туширилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишига, шунингдек, сифатли ва муносиб меҳнат шaroитларига эга бўш иш ўринларининг юзга келишига ва бу орқали аҳоли даромадларининг ошишига ҳамда фаровон турмуш шарoитларини яратишга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқиди келгуси етти йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифалар, асосий йўналишлар белгилаб берилди. Бу йўлда биргаликда қўзлаган маррага етишга тўла ишончимиз бор. Чунки биз ўтган етти йилда мисли қўрилмаган ютуқларни қўлга киритдик. Бунда 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегияси муҳим дастуриламал бўлмоқда. Фаровон ҳаёт учун ислохотларни амалга оширишда етарли тажриба тўпладик. Бугун ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишимиз лозим. Биз “Президентимиз атрофида жипслашишимиз керак” деган курак сўзлардан қочиб, амалда ўзимизни ишимиз билан кўрсатиш вақтимиз келди.

ХАЛҚИМИЗ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИГА ИШОНАДИ

Халқимиз – закий. Донолиги шундаки, одам кадр-қимматини кўтариб, эркинлигини таъминлаш, ҳаёт даражасини юксалтириш учун туну кун қайғураётган етакчига эргашади. Шахсий кузатувларимизга қараганда, бундан беш йил олдин юртдошларимиз Шавкат Мирзиёевга катта умид билан овоз берган бўлса, бу гал умид ўрнини қатъий ишонч эгаллади. Шавкат Мирзиёев ваъдаларининг устидан чиққан раҳбар, катта ислохотчи сифатида танилди. Ўз навбатида, янги қиёфага эга бўлган Янги Ўзбекистонни дунёга қайта танилди.

Бошқача айтганда, ўтган жуда қисқа давр ичида мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар рояи олди.

Қайси соҳа ёки қандай масала бўлмасин, инсон манфаатлари устуворлиги бирламчи ўринга кўтарилди. Бинобарин, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Дарҳақиқат, ислохотларнинг янги босқичида давлат халққа яқинлашди. Барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, қўйинки, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўргана бошлади. Уларнинг ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобдорлик масъулияти ошди. Давлат идоралари, ҳокимият атрофини ўраб турган темир панжаралар олиниб, улар том маънода халқ учун ўз эшикларини очди. Илгари ҳатто хизмат кўрсатиш муассасалари ҳисобланмиш банклар биносига кириш ҳам осон бўлмаган. Ички ишлар органи ходимлари ёнини гизда паспортингиз бўлмаса, ичкарига киритмас эди. Нақд пул олиш эса, банк мижозлари учун чинакам бахтга айланганди.

Ҳа, яқин-яқингача банк тизимидаги энг оғриқли масалалардан бири нақд пул тақчиллиги эди. Аҳолининг аксарият қисми иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияни пластик карточкада олсада, уни нақдлаштириш туғул, ул-бул харид қилишда моддий томондан зарар кўрар, оқибатда руҳан эзиларди. Сабаби, айрим дўконларда терминал ишламаёт-

гани баҳона қилинса, бошқасида очикчасига нарх устига 20 фоизгача устама қўйиларди. Бу ҳол пул-имизни ўн, йигирма, ҳатто, ўттиз фоиз устама ҳақи билан нақдлаштириб берувчи “тадбиркорлар қатлами” пайдо бўлишига замин яратди.

Муаммонинг асл илдизи эса, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айтилганидек, тўлов тармаиналлари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаган ҳолда, тўловлар пластик карточкаларга асоссиз равишда ўтказилганида эди. Ушбу ҳужжат қабул қилинган, банк-моллия тизимида хизмат кўрсатиш сифати яхши томонга ўзгарди. Барча турдаги пенсиялар ҳеч қандай чекловларсиз нақд пулда берила бошланди. Энг асосий, аҳоли гавжум жойларда пластик карточкадан маблағ ечиб олиш имкони бўлган банкوماتлар ўрнатилди бошланди. Бугун нақд пул муаммоси юртдошларимизнинг эсидан чиқиб кетгани рости.

...Бир қўшимчимиз икки келини, тўрт набираси билан битта хонадонда сиқилиб қолганди. Ўғилларига ёрдам бўлсин, деб пенсиядаги чол-кампири ишлар, келинлар ҳам қараб турмасди. Бироқ олти кишининг топангани ортириб, битта хонадон олишга қўриб етмагач, катта оила ижтимоий муаммо гирдобига тушиб қолди. Ана шундай мураккаб шароитда арзон уй-жойлар қуриш мақсадида 2017–2021 йилларга маълумланган алоҳида дастур қабул қилингани шу каби минглаб оилаларнинг жонига оро кирди.

Агар бу дастурда беш йилда 1 136 та қўп қаватли арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этилиши кўзда тутилганини инобатга олсак, ўтган даврда минг-минглаб оилалар ўз хонадонига эга бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Давлатимиз раҳбари Сайлов-олди дастурида таъкидлаганидек, кейинги етти йилда яна 1 миллионга квартира қурилади. Сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ уй-жойлар барпо



Тошпўлат
МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгаши
депутати

этилди. Бу рақам олдинги йиллардагига солиштирилса, эътибор қилинган – 10 мартадан ҳам кўпроқ.

Шавкат Мирзиёев сайловчилар билан учрашувларда таъкидлаганидек, тан олмай илож йўқ, “прописка” аталмиш таққ туфайли мамлакат бош кентининг аҳолиси икки тоифага ажралиб қолган эди – “прописка”лилар ва “пропискисиз”лар.

Тошкент шаҳрида доимий яшаш ҳуқуқига эгалигини тасдиқлайдиган ўша оймалоқ муҳрни паспортга қўйдириш алоҳида мартаба эди. Бунга эришиш учун эса, одамлар айланма йўллари излаб топиш, таваккал қилиш, ҳатто айримлар пропискиси бор инсон билан турмуш қуришга ҳам рози эди...

Пропискани бекор қилиш бўйича муражаатлар, уриниш ва саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси бекор кетди. Соҳага масъул амалдорлар бир гапни тақорлашдан чарчашмасди: “Қишлоқ-дан келган одамлар босиб кетмади, бунга пойтахт коммунал тизими бардош беролмайди, жиниятчилик ортади...”.

Аслида ҳам шундаймиди? Йўқ, асло. Ўртбошимизнинг қатъий иродаси билан бу номақбул таққ бекор қилингандан кейин Тошкентда аҳоли сони кескин ортиб кетмади. Айримлар наздидагидек, ҳамма пойтахтга оқиб ҳам келмади.

Яна бир мисол, Шавкат Мирзиёевнинг тошпиригига биноан амалга оширилган “Меҳр” операцияси инсонпарварлигининг ёрқин намунаси бўлди. Бугунги кунга қадар “Меҳр” операцияси беш марта муваффақиятли амалга оширилди. Натижада Яқин Шарқдаги қуролиш можаролар ҳудудидан 531 нафар ватандошимиз, асосан, аёллар ва болалар юртимизга қайтарилди. Алдов оқибатида Сурия, Ироқ, Афғонистон ҳудудларида мураккаб вазиятда қолган, оғир ҳаётий даврни бошидан ўтказган бу инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Ўзингиз ўйланг, тақдир тақозоси билан жангарилар лагерига бориб қолган болаларимиз ёки уруш ўчоғида дунёга келган ўзбек фарзандларини дўзах азобига ташлаб қўйиш инсонийлик тамойилларига тўғри келадими? Худо кўрсатмасин, у ерлардаги гудакларнинг

тақдирига тирик қолиш битилган бўлса, 10 ёшидан бошлаб профессионал жангчи, террорчи қилиб тарбияланади.

Шундай экан, у яна 10 йилдан кейин Ўзбекистон фуқароси номи билан тинч юртларни вайрон қилмаслигига, ўзбек деган номга доғ туширмаслигига ким кафолат бера олади?

Бундай хайрли тадбирлар туфайли давлатимиз қанчалик меҳр-саховатли, кечиримли экани бутун дунёга ёйилди. Билиб жиният йўлга кирганларни эмас, билмай қилган хатоларини кечириб орқали инсон қадри ва шаъни юқори экани дунёга қўзқўз қилинди.

2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда. Бунга эришиш учун иқтисодиётда илм ва инновацияларга асосланган янги технологияларни жадал қўллаш, қўшилган қиймат занжирларини кўпайтириш орқали меҳнат самарадорлигида туб ўзгаришлар ясаб борасидаги саъй-ҳаракатлар кўрилмақда.

Таълим соҳасида баланд марралар олинди. Соҳада ислохотлар ўтказишга етти йилда 1 миллиард доллар сарфланган.

Барча аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қўшимча 1 миллион квартира қуриш ва меҳнат миграцияси тизимини ислоҳ қилиш мақсади белгиланди. Соғлиқни сақлаш учун ҳар йили 6 миллиард доллар маблағ ажратилади. Ҳар йили 1 миллион донга автомобиль, шу жумладан, 300 минг электромобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ўрмонлар майдонлари 1,6 миллион гектардан 2,3 миллион гектарга кўпаяди. Энергия ҳажмида муқобил энергия манбалари улуши 14 фоиздан 40 фоизгача ошади. Жамоат транспорти газ ва электр энергияга тўлиқ ўтади.

Шу ва шу сингари ижтимоий-иқтисодий соҳаларда белгилаб олинган улкан мақсад-муддаоларимизга қайта сайланган Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида, албатта, эришамиз. Зеро, халқчил ва инсонпарвар, адолатли давлат – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар тез орада ўзининг юксак самараларини бериши турган гап. Бунга биз ишонамиз, бунга халқ ишонади!



Ҳудудлардан хабарлар


Таътилдаги талабалар “АДОЛАТЧИЛАР” билан

“Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши томонидан ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келажакимиз эгаларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий партиялар ҳаёти билан таништириб бориш орқали уларни сафимизга олиб киришга қаратилган тадбирлар ижобий самара бермоқда.

Айни таътил кунлари бўш вақтини “адолатчилар” билан ўтказаятган ёшларнинг сиёсий майдонга қадам қўяётгани қувонарли. Андижон машинасозлик институтининг бир гуруҳ талабалари иштирокида “Сиёсий партиялар билан сиёсий майдонга” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатидида жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг тугган ўрни, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар фаолияти, фуқароларнинг амалдаги қонунчиликда белгиланган сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида сўз борди. Тадбир давомида иштирокчиларни қизиқтирган қўллаб-саволларга жавоблар берилди.

Тадбир якунида 5 нафар йигит-қиз “Адолат” СДП аъзоллигига қабул қилинди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати



Партия – бирлаштирувчи кучга айланмоқда

“Адолат” СДП ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, Сайлов-олди дастурида акс этган гоё ва ташаббусларни қўллаб-қувватловчи партия хайрихоҳлари ҳамда аъзоларини бирлаштирувчи кучга айлантира олиши керак, албатта. Бу жараёнда туман, шаҳар кенгашлари раисларининг сиёсий қарашлари, маънавий юксаклиги ва шижоати муҳим аҳамият касб этади.

Партияимизнинг Фарғона вилоят кенгаши раиси Шахноза Ғаниева бошчилигидаги етакчи мутахассислар дастлаб Дангара ва Бағдод туманларидаги кенгаш раисларининг фаолияти юзасидан батафсил ўрганишлар олиб борган бўлсалар, нав-

батдаги таҳлилий ўрганиш Фарғона шаҳрида ташкил этилди.

Фарғона шаҳар кенгашида 49 та бошлангич партия ташкилоти мавжуд. Унда 1500 га яқин партия аъзолари бирлашган. Ўрганиш давомида бу катта кучни янада жипслашти-

риш, улар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам йўлга қўйиш, фидоийларни мунтазам рағбатлантириш борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Партия аъзолари сафини янада кенгайтириш, меъёрий ҳужжатлар билан тизимли иш олиб бориш каби қатор масалалар ўрганилиб, кенгаш фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан зарур таъсиялар берилди.

Фарғона вилоят кенгаши
матбуот хизмати

Халқ ноиблари аралашмайдиган, унинг ваколат доирасига кирмайдиган МАСАЛА ЙЎҚ



КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Халқ ишончини қозониш саодатдир. Билдирилган ишончга муносиб бўлиб қолиш эса улкан масъулият. Бир неча йиллик депутатлик фаолияти давомида зиммасидаги шарафли ва залворли вазифаларини сидқидилдан адо этиб келаётган халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши "Адолат" СДП **депутатлик гуруҳи раҳбари Руиддин Раупов**ни кўпчилик фидойи ва меҳнатсевар раҳбар сифатида эътироф этади.

Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиш, моддий, маънавий кўмакка муҳтож фуқароларимиз оғирини енгил қилиш истаги депутатни ҳамisha халқ орасида бўлишга, улар билан ҳамфайрликка чорлайди.

Руиддин Раупов жорий йилнинг март ойида Қарши шаҳридаги Кат маҳалласида яшовчи фуқаролар билан ўтказган мулоқоти давомида мазкур маҳаллада юқори кучлинишли трансформаторга эҳтиёж тутилгани, бундай қурилмани маҳаллага олиб келиб ўрнатиш учун эса, энг аввало, 120 дан ортиқ электр симёғочларни бетон устунларга алмаштириш лозим эканлиги борасидаги муаммолари вазият билан яқиндан танишди. Учрашув давомида мазкур ҳудуддаги 18 та кўча ички йўлларига асфальт ётқизиш, оқова сув бўғида таъминлаш каби яна бир қатор муаммолари масалалар борлиги маълум бўлди.

Фуқаро Наргиза Игамбердиева ёлғиз она, уй-жойга муҳтож. У депутат қабулида бўлган чоғида, уй-жой олиш масаласида кўмак сўради. Аёлининг яшаш шароити ўрганилганида унинг ижарада яшаш маълум бўлди. Руиддин Раупов фуқаронинг уй-жойли бўлишини таъминлаш мақсадида Қарши шаҳар ҳокимининг қурилиш бўлимига ўринбосарига мурожаат қилди. Натижада Наргиза Игамбердиевага янги барпо этиладиган

кўп қаватли уйлардан биридан хонадон ажратиб берилиши белгиланди.

Шунингдек, депутат Навоий кўчасидаги 55-56-кўп қаватли уйлар ва Илғор кўчасида яшовчи аҳолининг яшаш тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида сайёр қабул ташкил этган чоғида, аҳоли мазкур ҳудуддаги 1-ва 2-кўп қаватли уйлар, Аҳмад Дониш кўчасидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар яшайдиган уйлар олдида чиқинди хоналар ва болалар ўйингоҳлари йўқлиги, маҳалла биносини қайта таъмирлаш, МФЙ ҳудудидан нуронийлар дам олиш масканини қуришга эҳтиёжлари борлиги борасидаги муаммолари масалаларни ўртага ташлади. Депутат Кат ва Илғор маҳаллаларида бўлиб ўтган учрашувлари давомида аниқланган муаммолари вазиятларини ақсариёғига ўша жойнинг ўзидаёқ ечим топди. Айримлари юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Баъзи муаммолари вазиятларини ҳал этиш борасида вилоят ҳокими номига депутатлик сўрови юборилди.

Депутатлик сўрови, мурожаат, бирор масалани доимий комиссия мажлиси ёки сессия кун тартибига олиб чиқиш унинг ваколати доирасида фаолият олиб бораётганидан далolat беради. Жорий йилнинг шу кунига қадар Руиддин Раупов фуқаролар мурожаатлари асосида тегишли идораларга 45 та депутатлик сўрови чиқарди.

Қарши шаҳридаги Араловул, Шўртангаз, Чўлқувар, Заҳкимармон МФЙларда маҳалла аҳлининг юқори қувватли трансформаторга эҳтиёжи борлиги, ўнга яқин кўп қаватли уйлар йўлакларини бетон қоплама ва асфальт қилиш, ёриткичлар ўрнатиш, том қисмини ёпиш, иситиш тизими ва ертўла қисмидаги ичимлик сув қувурларини янгилаш, 25-26-болалар боғчаларини қайта таъмирлаш борасида депутатдан кўмак истаб йўллаган мурожаатлар юзасидан Қарши шаҳар

ҳокимлиги тасарруфидаги мутасадди идоралар раҳбарларига юборилган тегишли тартибда депутатлик сўровлари ҳам шулар жумласидандир. Айни вақтда депутат аҳоли муаммолари юзасидан юборган депутатлик сўровлари бирма-бир ўз ечимини топмоқда.

Шу билан бир қаторда депутатлик гуруҳи аъзолари ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига 3 та масала киритилди. Гуруҳ аъзолари ташаббуси билан доимий комиссиялар йиғилишларида 20 нафар

Мазкур ҳудудда олиб борилган ўрганишлар давомида янги ўтказилган тегишли тартибда депутатлик сўровлари ҳам шулар жумласидандир. Айни вақтда депутат аҳоли муаммолари юзасидан юборган депутатлик сўровлари бирма-бир ўз ечимини топмоқда.



мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингланди.

Шўртангаз МФЙдаги 1382 та хонадонда 3820 нафар фуқаро истиқомат қилади. Жорий йилнинг 11 май санасида Руиддин Раупов аҳоли хонадонларида бўлиб, фуқаролар билан суҳбат чоғида ушбу хонадонларда истиқомат қилувчи 15 нафар шахснинг ишсиз эканлиги аниқланди ва депутатнинг саъй-ҳаракатлари натижасида уларнинг барчаси мавсумий ишларга жалб этилди.

"Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши **депутатлик гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова** томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Фикримизга жорий йилнинг май, июнь ойларида Қарши шаҳридаги "Зoғза" маҳалласи аҳолиси билан ўтказилган учрашувлар асос бўла олади. Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Музаъям Қиёмова депутатдан моддий ёрдам олиш борасида амалий кўмак беришини сўраб мурожаат қилганидан

сўнг, Муҳаббат Шаропова мурожаатчининг анчадан буюн хасталиги ва тўшакка миҳланиб қолганини инобатга олиб, зудлик билан мутасадди идораларга депутатлик сўрови юборди.

Шунингдек, мазкур маҳалланинг 46-хонадонидида истиқомат қилувчи яна бир эҳтиёжманд фуқаро Муҳаррам Абдиевнинг депутатдан моддий кўмак олиш борасидаги мурожаатидан сўнг, оиланинг яшаш шароити ўрганилди. Ўрганишлар давомида аёлининг икки нафар ногирон фарзанди борлиги, яшаб турган хонадонлари эскириб, жуда таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани, ногирон болаларига қарашга кўмаклашиб келаётган соғлом фарзанд Дилмурод Бобоев ҳам автохалокат туфайли тўшакка миҳланиб қолгани маълум бўлди. Депутат бу оилага зудликда ёрдам кўрсатиш зарур, деган ҳулосага келди ва вилоят ҳокими номига депутатлик сўрови юборди.

Муҳаббат Шаропова "Худойзот" МФЙ фуқаролари билан юзма-юз мулоқоти давомида очикланган бир қатор муаммоларни тегишли мутасаддиларни жалб этган ҳолда бартараф этди. Маҳалла ички йўллари ўрганилган депутат қисқа муддатда 18 та кўчани асфальт қилишга эҳтиёж борлигини аниқлади. Бу муаммо шаҳар ҳокимлиги ва унинг тасарруфидаги идоралар масъуллари иштирокида бартараф этиладиган бўлди.

Қарши шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида 37 та йўналишда касбга тайёрлаш учун ўқув курслари ташкил этилган. Уни ҳозиргача 11 та касб, яъни тикувчи, аёллар сартароши, косметолог, нейлстилист, ошпаз, қандолатчи, официант-батлер, уқаловчи, ёш болалар учун энага, ёрдамчи тарбиячи, кичик меҳр-шафқат ҳамшираси каби йўналишлар бўйича 287 нафар фуқаро тамомлади. Мазкур битирувчилар олдида иш топиш масаласи кўндаланг бўлиб турган бир вақтда депутат Муҳаббат Шаропова уларга ёрдам қилини қўзғиди. Депутат ўқув курсларини битирган ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашни ўз назорати остига олди ва тегишли идораларга хат билан мурожаат йўллади. Натижада 7 нафар ишсиз фуқаро ишли бўлди. 274 нафари эса ўз-ўзини банд қилди, 6 нафари субсидия олди, қолганлари ҳам бошқа йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

– **Айни пайтда ҳам мономарказларда 500 нафардан ортиқ тингловчи касб-хунарга ўқитилмоқда**, – дейди депутат Муҳаббат Шаропова. – **Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаганлар эса ўз ишини йўлга қўйиб, оилаларига даромад олиб кириш баробарида, бошқаларни ҳам иш билан таъминлаётгани кўзга келди** мақсадларимизга эришаётганимиздан далolatдир.

Жорий йилнинг июнь ойида депутат Қарши шаҳридаги "Шайхали" МФЙ аҳолиси билан учрашуви чоғида Норжамол Шоймардонова касалманд эканлиги туфайли даволаниши учун ордер олиб беришда ёрдам сўради. Муҳаббат Шаропова фуқаро мурожаатини ўрганиб, унга тегишли муассасалардан ордер ҳамда моддий ёрдам олишига кўмаклашди.

Шу билан бир қаторда Муҳаббат Шаропова вилоятдаги хотин-қизларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам жамоатчилик асосида вилоят ҳокимлигида фаолият юритиб келмоқда. Депутат саъй-ҳаракати ва партия фаоллари иштирокида йил бошидан буюн 130 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланишига эришилди. 100 нафардан ортиқ аёлларга банклардан кредит олишлари, бизнесларини йўлга қўйишлари ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 1800 нафардан ортиқ хотин-қизларга зарур ҳуқуқий тушунчалар берилди.

"Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши **депутатлик гуруҳи аъзоси Дилрабо Темированин**г ҳам сайловчилар манфаатини кўзлаб олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Замира Губиева Шаҳрисабз шаҳридаги "Дўстлик" МФЙда яшаб келган. Оилавий муаммолар туфайли яшаб турган уйдан қайноғаси ҳайдаб чиқарган. Замира Губиева 2023 йил 6 апрелдан буюн "Сариосие" МФЙ ҳудудида жойлашган Бобур исмли фуқарога тегишли бўлган сартароҳхонада кўним топган. Депутат фуқаро мурожаати асосида масалани тегишли мутасаддиларни жалб этган ҳолда ўрганди. Бошига тушган азиятлар сабаб соғлиғини ҳам йўқотган Замира Губиева соғлиғини тиклаб олиши учун туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги травматология бўлимига ётқирилиб даволанди. Шунингдек, яшаши учун ҳам бошпана ажратилиб, керакли ёрдам кўрсатилди.

Яна шунини мамнуният билан эътироф этиш жоизки, "Адолат" СДП Қашқадарё депутатлик гуруҳи аъзолари аҳолига иқтимоий кўмак кўрсатиш билан бир қаторда уларнинг сиёсий саводхонликларини ошириш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этиб келмоқдалар. Жумладан, "Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш вазифалари" мавзусидаги тадбирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётганлигини "Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси"нинг устувор йўналишларини халқимизга тушунтириш йўлида амалга оширилаётган самарали иш сифатида баҳолаш мумкин.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

САМАРКАНД ВИЛОЯТИ. *Бугун шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнлари инсоният учун бир қанча муаммоларни юзага келтирмоқда. Бу, айниқса, миллий менталитет, тарбия ва урф-одатлар умумлашуви жараёнларида янада яққол намоён бўлмоқда. Бу эса ўз-ўзидан ҳар бир мамлакат ўзининг ривожланиш стратегиясида миллий бошқарув тизимини ислоҳ қилишини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларга барча шарт-шароитларни, фаровон яшаш имкониятларини яратиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир.*

Бугунги кун талабларини яхши англаган халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати **Илҳомжон Тўхтасинов** Самарқанд шаҳридаги хорижий миграциядан қайтган, жиноят содир этган, жиноятчиликка мойил, профилактик назоратда, пробация рўйхатида турган ва ногиронлиги мавжуд бўлган 62 нафар ёшлар билан алоҳида ёндашув асосида иш бошлади.

Депутат жамиятда ёшлар фаоллигини ошириш, уларни менталитетимизга ёт турли гоё ва қарашлар таъсиридан ҳимоялаш мақсадида маҳаллаларда учрашувлар ташкил этди. Бунда ёрдамга муҳтож бўлган ёшларга уларнинг талаблари, эҳтиёжидан келиб чиқиб қурилиш анжомлари, сартароҳхона анжомлари,



ноутбук, бир миллион сўмдан бир марталик пул маблағлари тақдим этилди.

Халқ депутатлари Инобат Кенгаши депутати Инобат Бобоқуллова сайёр қабулларда мамлакатимизда хотин-қиз-

лар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, ногиронлиги бўлган ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини қайд этиб ўтди. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд эди. Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмагани, хотин-қизларни

шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишини ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмаслиги, таъйик ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермаслиги, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жазима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқараётганини ўз сайловчиларига алоҳида таъкидлаб ўтди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати Санобар Мирсаидованинг аҳоли билан сайёр қабуллари жараёнида аҳолининг эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар мурожаатлари ижобий ҳал этилиб келинмоқда. Жумладан, даволаниш учун



ёрдам сўраган Машхура Ражабова, Нозима Узоқованин илтимосига кўра, депутат вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига юборган сўровлар ўз вақтида қўриб қилинган ва тез орада ўзининг ижобий натижасини берди. Хар иккала аёл махсус даволаниш масканларига жойлаштирилиб, жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилди. Айни вақтда мурожаатчилар ўзларига кўрсатилган ёрдам, эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдор. Бу эса бугунги кун депутати халқ вакили сифатида аҳолининг чин кўмакчиси айланганидан, эл-юрт қорига ҳамisha камарбаста эканлигидан далolat беради.



Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Муҳиба Бабабекова ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Депутат илмга чанқоқ,



интилувчан ва тиришқоқ ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, 3 йилдирки Нуробод туманида жойлашган 11-сон умумтаълим мактабининг иқтидорли ёшларини бир марталик моддий маблағ (стипендия) билан тақдирлаб келмоқда. Ушбу стипендия мактаб педагогик жамоаларининг таклифига биноан ўқув йили якунлари бўйича аъло баҳоларга ўқиган энг фаол ўқувчиларга бериб борилади. Ушбу янги гоё ва амалий ҳаракат мактаб ўқувчилари томонидан қизгин кутиб олинди ва ўқувчиларнинг янада кўпроқ билим олишлари, изланишлари, ўз қобилиятларини намоён этишлари асос бўлмоқда.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият си-

фатида қаралади. Шу нуқтаи назардан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фаровон келажагини таъминлаш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. **Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати Тозагул Холиқова** ўз округи ҳудудидаги қўллаб-қувватлаш "Аёллар дафтари" да турувчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб, уларга амалий кўмак бериб келмоқда. Жумладан, депутат ташаббуси билан жорий йил бошидан бери 20 дан ортиқ мана шундай иқтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Гулнафиса АБДИМУРОВА,
Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КАДҲК:

минтақалараро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари



GCC- Central Asia Summit
Kingdom Of Saudi Arabia - Jeddah - July 2023

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар
қўмитаси раисининг ўринбосари

КАДҲК қандай ташкилот?

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (КАДҲК) – Форс кўрфазидида жойлашган Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт, Қатар, Уммон ва Баҳрайн каби араб давлатларини бириктирган минтақавий ташкилот бўлиб, у 1981 йил 25 майда ташкил топган. Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари 1982 йилда қабул қилинган Низомда ўз аксини топган.

Ташкилотнинг асосий мақсади сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш, яъни иқтисодий ва молиявий масалалар, таълим ва маданият, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, оммавий ахборот воситалари ва туризм, қонунчилик ва бошқарув муаммолари каби соҳаларни тартибга солишдан иборат. КАДҲК, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаларида илмий ва технологик тараққиётни рағбатлантиради. Қўшма иқтисодий келишув шартларига кўра, олти давлат ўртасида ўзаро тариф тўсиқлари бекор қилинган. Улар ўзаро келишувга мувофиқ исталган давлатда тенг шартлар асосида ишлаб чиқариш корхоналари очилиш ва шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, таъсис ҳужжатларида тезкор ҳолатларда қўшма мудофаа кучларини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Ташкилот доирасида ягона пул бирлигини яратишга интилиш тенденцияси ҳам мавжудки, бу эса унинг келгусида конфедерацияга айланиши эҳтимоли борлигидан далолат беради.

Ташкилотнинг асосий органлари – ҳар йили йиғиладиган Давлат раҳбарларининг Олий кенгаши ва ҳар уч ойда бир марта ўтказиладиган Тақдир ишлар вазирлари кенгаши ҳисобланади. КАДҲК Бош котибатиининг қароргоҳи Саудия Арабистони пойтахти – Ар-Риёзда жойлашган.

Марказий Осиё –КАДҲК: ўзаро ҳамкорлик зарурати

Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган изчил ва прагматик минтақавий таъқиқ сийосат туфайли Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат, дўстлик ва яқин ҳамкорлик руҳидаги янги муҳит пайдо бўлди. Яхши кўнаничилик ва стратегик шериклик, ҳатто иттифоқлик даражасидаги муносабатлар мустақамланиб бормоқда. Кўпгина мутахассислар минтақада рўй бераётган ижобий ўзгаришларни ҳақли равишда “Марказий Осиё руҳи” деб номламоқдалар.

Энг муҳими, минтақани фаровон ва барқарор ривожлантирган маконга айлантириш йўлида қўйилаётган қадамлар, яратилаётган конструктив муҳит жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда ва фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳозирда Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий муаммоларга ақидил жавоб қайтариш йўлида анча дидирпроқ ҳаракат қила бошладилар. Айниқса, сўнгги олти йил ичида Ўзбекистон етакчисининг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли илгари анча тарқоқ ва ўта зиддиятчи ички муносабатларга эга бўлган Марказий Осиё халқаро майдонда ягона ва яхлит жугрофий-сиёсий макон сифатида гавдалана бошлади. Марказий Осиё – АҚШ, Марказий Осиё – Европа Иттифоқи, Марказий Осиё – Хитой каби “Марказий Осиё +” мулоқот форматлари доирасида етакчи давлатлар билан муносабатларни йўлга қўйилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиёнинг Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши би-

лан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва фаоллаштириш жуда муҳим ҳисобланади. Зеро, дунёда юзага келаётган мураккаб вазият, глобал сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва молиявий муаммолар ва таҳдидлар ҳамда уларнинг фониди Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш масалалари ҳамкорлик географиясини янада диверсификация қилиш, шу жумладан, араб дунёси мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, минтақалараро ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш ва мустақамлашни тақозо этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё ва араб давлатлари ўртасидаги алоқалар кеча ёки бугун бошланмаган. Икки минтақа ўртасидаги борди-келди алоқалари тарихнинг турли даврларида мавжуд бўлган. Бу борада биргина Буюк ипак йўлини эслашнинг ўзи кифоядир.

Бугунги кунда Марказий Осиё ва КАДҲК мамлакатлари жуғрофий жиҳатдан бир-биридан анча олисда жойлашган бўлса-да, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон ва КАДҲКга аъзо давлатлар ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда динамик равишда ривожланиб бормоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кескин ошиб, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар сони ортиб бормоқда. Бунга олий даражадаги таширфлар ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Мисол тариқасида жорий йилда Қатар Амри шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга давлат таширфи, 2019 йил март ойида давлатимиз раҳбарининг БАА ва 2022 йилда Саудия Арабистонига расмий таширфларини келтириш мумкин.

Бироқ, икки минтақа мамлакатлари ўртасидаги умумий савдо айланмаси бугунги кунда мавжуд салоҳиятга жавоб бермайди. Янги-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, ўзаро савдо ва сармоявий ҳамкорлик ҳажминини сезиларли даражада ошириш учун ҳали ишга солинмаган талайгина имкониятлар мавжуд. Бунга “Марказий Осиё – КАДҲК” давлат раҳбарларининг мулоқот формати яқиндан туртки бериши шубҳасиздир.

СТРАТЕГИК МУЛОҚОТ

Жиҳда шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги биринчи саммитда давлат раҳбарлари минтақалараро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар.

Саммит Саудия Арабистони раислигида бўлиб ўтди. Унда конструктив сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Мазкур саммит доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа долзарб соҳалардаги ҳамкорлик масалаларининг муҳокама этилиши иштирокчи давлатлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё ва араб давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражаси ҳақиқатан сезиларли суръатда ўсиб бормоқда.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев нутқ сўзлади. У ўз нутқида икки минтақа халқлари ўртасидаги муносабатларнинг узок тарихига эътибор қаратиб, муштарак қадрият ва аъналари, муқаддас ислом дини бириктирувчи омиллар эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги вазиятга баҳо берар экан, мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатларини ўзаро ишончли ва узок муддатли ҳамкор сифатида қараётганини қайд этди.

Президентимиз ўз нутқида минтақалараро алоқаларни янада кенгайтириш бўйича 5 та

ТАШКИЛОТНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ СИЁСИЙ, САВДО-ИҚТИСОДИЙ, САРМОЯВИЙ, МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ЯЪНИ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ МАСАЛАЛАР, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ, ИЖТИМОИЙ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ТУРИЗМ, ҚОНУНЧИЛИК ВА БОШҚАРУВ МУАММОЛАРИ КАБИ СОҲАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАН ИБОРАТ. КАДҲК, ШУНИНГДЕК, САНОАТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОFAЗА ҚИЛИШ СОҲАЛАРИДА ИЛМИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТНИ РАҒБАТЛАНТИРАДИ. ҚЎШМА ИҚТИСОДИЙ КЕЛИШУВ ШАРТЛАРИГА КЎРА, ОЛТИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ТАРИФ ТЎСИҚЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНГАН. УЛАР ЎЗАРО КЕЛИШУВГА МУВОФИҚ ИСТАЛГАН ДАВЛАТДА ТЕНГ ШАРТЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ОЧИШ ВА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

йўналишда муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Биринчиси – сиёсий соҳада кенг қамровли алоқаларни турли форматларда ривожлантириш; иккинчи йўналиш – юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик; учинчи йўналиш – савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш; тўртинчи йўналиш – экология ва иқлим ўзгаришлари масаласи ва бешинчи йўналиш – туризм соҳаси, яъни Кўрфаздан Марказий Осиёга сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсадида бу давлатлар аҳолисига визасиз тартибни жорий этиш.

Президент 2024 йилда Ислон дунёси туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хива шаҳрида минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини ўтказишни тақлиф қилди.

Шу билан бирга, иштирокчиларни Ислон ҳамкорлик ташкилоти доирасида дунёда кузатилаётган исломофобия ҳолатларига қарши биргалаб курашишга даъват этди.

Ўзбекистон Президентини бу гал ҳам Афғонистонда тинчликка эришиш масаласига тўхталиб, “Бизнинг минтақаларимиз ташаббускор бўлиб, катта-катта минбарлардан Афғонистон муаммоларига бугун дунё эътиборини жалб этишимиз, афғон халқининг ҳаётини енгил қилишга муносиб ҳисса қўйишимиз керак”, деб алоҳида таъкидлади.

Сўзининг якунида мамлакатимиз раҳбари бугунги тарихий саммит натижалари, албатта, Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақалари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Олий даражадаги саммит якунида давлатлар етакчиларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Саммит иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги навбатдаги олий даражадаги учрашувини Самарқанд шаҳрида ўтказиш тақлифини қўллаб-қувватладилар.

Умуман, “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” биринчи саммити ниҳоятда самарали бўлди. Мазкур мулоқот форматининг йўлга қўйилиши Марказий Осиё мамлакатлари ва Араб давлатлари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда мустақамлашда муҳим роль ўйнаши шубҳасиздир.

Адолат тарозиси

Тошкент шаҳрида яшовчи Исматулла Насруллаев, Холдор Самариддинов ва Оқилбек Ҳамдамов (исм-шарифлари ўзгартрилган) улғайиб, коллежни тамомлаганларидан кейин ҳам ёлчитиб бирор-бир жойда ишлашмайди. Аксинча, кунда-кунора учрашиб, тараллабедод қилиб юришга ўрганиб қолишади. Оқибатда...

Терговдан яширинган қонунбузар

5 йилдан сўнг айбига иқдор бўлиб келди

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қўқон шаҳар судининг судьяси

Бундан 5 йил муқаддам, 2018 йил январь кунларининг бирида йиғилганларида Исматулла ўртага тақлиф ташлади.

– Анчадан бун бир ишни режалаштириб юрибман. Агар ўша режани амалга оширсак, яхшигина пулга эга бўламиз, – дейди у.

– Қанақа иш, нима қилишимиз керак? – деб сўрайди Оқилбек қизиқчи.

Бунга жавобан Исматулла кўндан бун “Тошкент-Андижон” йўналишида кира-кашлик қилувчи Лазиз Пирматовни кузатиб юргани, унинг қўлидан кунда-кунора миллион-миллион сўм пул ўтиши, пайт пайлаб унинг изидан тушиш лозимлигини тушуниради. Миллионларнинг дарагини эшитиб, О.Ҳамдамов ва Х.Самариддиновнинг ҳам бирдан фикри бузилади.

Шундан сўнг қишнинг изгирили кунларидан бирида, 2018 йил 2 февраль куни соат 00:30ларда учовлон Қўйлик даҳасидаги Фаргона водийсига қатновчи авто-мобиллар тўхташ жойига келишади. Чунки улар ўша пайтда Лазиз автотурароҳда тургани, энг асосийси, автомашинасида катта миқдорда пул борлигидан аллақачон хабар топишганди. Дарҳақиқат, Л.Пирматов шу кун тадбиркор танишларидан бирининг 200.000.000 сўм пулини Андижонга олиб бориб бериш учун “Ласетти” автомашинасининг юкхонасига жойлаб қўйган, сўнг йўловчи олиш мақсадида автотурароҳга келганди. Бироқ тунги пайт бўлгани боис ҳадеганда Андижонга кетадиган йўловчилар келавермади. Бинобарин, Лазиз соат 01:30ларда ёлғиз ўзи водий томон йўл олди. Ҳамтовоклар ҳам унинг ортидан таъқиб этиб, йўлга тушишди. Лекин Л.Пирматов бун сезмади. Негаки, “Нексия-3” ўзини сездириб қўймаслик учун гоҳ анча ортда қолар, гоҳ “Ласетти”дан ўтиб кетиб, маълум масофадан сўнг яна орқада қоларди. Ҳамтовоклар ўлжасини шушчалик таъқиб қилиб боришадими, ҳатто Лазиз автомашинасига ўз тўлдириб чиққунча ҳам кўздан қочиб қетишмади.

Хуллас, Лазиз Пирматов тонги соат 04:00ларда Қамчиқ доводидан ўтиб, Данғара туманидаги “Санжар патир” номи нон маҳсулотлари растасига етиб келиб тўхтади. У таниши Бахтиёр Ахрорқуллов билан шу ерда учрашишга келишиб олишганди. Гарчи бу жой савдо растаси эса-да, қиш чилласи бўлгани сабабли ўша пайтда растада на сотувчи, на харидор бор эди. Шунинг учун Лазиз Бахтиёр етиб келгунга қадар автомашинани ичидан қўлқаб, мизғиб олмоқчи бўлади. Бу эса ортдан етиб келган Исматулла, Оқилбек ва Холдорга жуда кўл келди. Яъни, улар шоша-пиша ишга киришишди: юзларига ниқоб тақиб, қўлларига қўлқоп кийиб, темир таёқ билан қуролланишди. Сўнгра пайт пайлаб, тўсатдан Л.Пирматовнинг автомашинасига ҳужум қилишади. Аникроғи, ҳайдовчи уйқуга кетган, қўлларидида темир таёқ билан “Ласетти”нинг чап томон олди ён ойнасини уриб синдиришади. Кейин Лазизни автомашинадан тортиб тушириб, аёвсиз уриб-дўппослашади. Дабдурустдан қилинган ҳужум ва калтак зарбидан Л.Пирматов эсанқираб қолса-да, овози борича қақриб, уқлаб ётган савдо дўкони эгалари ва қоровулларини ёрдамга чақиради. Бироқ нотаниш кимсалар кўнчилиқ бўлгани ва қуроллангани туфайли уларга қаршилиқ кўрсатолмади. Оқибатда оғир тан жароҳати олиб, ерда қўзилиб қолади. Бундан фойдаланган босқинчилар эса зўрлик ишлатиб, “Ласетти”ни олиб қочиб кетишади.



Жиноий шериклар “Ласетти” автомашинасини Наманган вилояти Поп туманининг Қўшмийон маҳалласи ҳудудидаги овлоқ ерга ҳайдаб боришади. Сўнг тезкорлик билан автомашина юкхонасидида пулларни ўзларининг бошқарувидидаги “Нексия-3” русумли автомашинага жойлаштириб, воқеа жойидан яширинишади. Чунки бу жойга келаётганларида улар ўзларидан 700-800 метр наридан, рўпараларидан келаётган чегара қўшинлари ҳарбий автомашинасини қўришган, шу боис аскарларнинг ўзларидан шубҳаланишини ўйлаб, чап томондаги кимсасиз кўчага киришганди.

Чиндан ҳам шундай бўлади. Чегарачилар уларнинг изидан ўша кўчага кириб боришади. Лекин ҳарбий автомашина кўча бошига етиб борганида “Нексия-3” ортига қайтиб чиқиб кетади. Бун қарангки, “Нексия-3” автомашинасининг давлат рақами мато билан беркитиб қўйилгани сабабли ҳарбий хизматчилар бирор-бир маълумотни аниқлай олишмади. Кўнанин анча ичкарисиди эса “Ласетти” чироқлари ёқилган, ён ва олди ойналари синган ҳолда ташлаб кетилганди. Шу боис улар дарҳол Поп туман ИИБга хабар беришади.

Энди гапни жабрланувчидан эшитинг. Воқеадан кўп ўтмай Бахтиёр Ахрорқуллов ҳам етиб келади. Лазиз унинг ёрдамида оёққа туради. У бироз ўзига келгач, оғайини билан бирга босқинчилар кетган томонга йўл олади. Аммо автомашинани топполмайди. Шунда Л.Пирматов қонун химоячиларига хабар бериш учун чўнтагини пайпаслаб телефонини қидиради. Аммо телефони автомашинада қолгани эсига тушиб, дарҳол Бахтиёрнинг телефонидан қўнроқ қилади. Ўғшаки аллақачон воқеа жойга етиб келган ИИБ ходими кўтарди.

– Автомашинанигизни “Садқат” пости яқинига ташлаб кетишибди, – дейди ИИБ ходими.

Шундан сўнг Лазиз билан Бахтиёр тезда ўша жойга етиб боришади. Улар машинани кўздан кечиргач, ИИБ тезкор ходимлари автомашинани жарима майдонига олиб кетишади. Сўнгра қонун химоячилари жиноятчиларнинг изига тушишади. Яъни, дастлаб Қамчиқ доводига қиқиддан то собиқ “Чағали” йўл-патрул хизмати масканигача бўлган ҳудуддаги кузатув камералари хотираси кўздан кечирилади. Натижада Исматулла Насруллаевнинг “Нексия-3” русумли автомашинаси Л.Пирматовнинг “Ласетти” автомашинасини ортидан таъқиб этиб келгани ойдинлашади. Қолаверса, жиноят содир этилган пайтда Лазизнинг уяли телефони айнан қайси нуқталарда бўлгани, ўша дамда телефон ёнида кимлар бўлгани ҳам аниқланади. Бундан ташқари жабрланувчининг бақирганидан уйғониб кетган сотувчилар ҳам қорамтир “Нексия-3” автомашинасининг катта тезликда кетганини тасдиқлашади.

Пировардида, жиноят ашъвий далиллар билан фоз этилиб, О.Ҳамдамов, И.Насруллаев ва Х.Самариддиновга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Бироқ бу орада Исматулла ва Холдор мамлакатимиз ҳудудидан чиқиб кетишади. Шу боис уларга нисбатан қидирув эълон қилиниб, жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритуга ажратилади. Оқилбек Ҳамдамов эса 2018 йил сентябрь ойида жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг ҳукми билан қонуний жазого тортилди.

Шундан бун Исматулла Насруллаев тергов органдида яшириниб юрганди. Аммо ўша пайтда содир этган жинояти унга асло тинчлик бермайди. Яъни юриш-туришида ҳаловати бўлмади. Ниҳоят, у 2023 йил январь ойи бошида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага бориб, айбига иқдор бўлади. Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди И.Насруллаевни Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми “а” банди ва 267-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан айбдор деб топиб, қонуний жазого маҳкум этди.

Тергов жараёнида судланувчининг яқинлари жабрланувчига етказилган 200.000.000 сўм зарарни тўлашади. Суд эса жазо тайинлашда бун инобатга олди.

ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ШАХС ТАЛҚИНИ

Тарих фалсафаси халқнинг дунё-караши, орзу-умидлари, ўз анъаналарига содиқлиги, имон-эътиқоди орқали давлатчилик сиёсати, ҳукмдорлар фаолиятига, ҳокимиятнинг бошқарув шакл-шамойилларига таъсир кўрсатган омилларни, уларнинг сабаб-оқибатларини, вақт ва макон вазиятида воқеликни яхлит идрок этиш имкониятларини беради. Тарих фалсафаси ўтмиш, бугун ва келажакнинг ўзаро боғлиқлиги масаласини хал қилади. Зотан, бугунги воқелик, у қандай бўлишидан қатъи назар, фақат ўтмишнинг оқибати, кечаги воқеликнинг натижасидир. Унда тарихнинг турли босқичлари ўрта-сида мустақкам ҳамда нозик алоқалар мавжуд. Шу сабабдан тарих фалсафасини билмасдан бугунги куннинг моҳиятини англаб бўлмайди.

**Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор**

Тарих фалсафаси ўтмиш асоратлари янги замонга кўчиб ўтиши ва яшовчанлиги давом этишида муайян қонуниятларга эга эканлигини кўрсатади. Бу қонуниятлар ижтимоий-тарихий жараёнларнинг икки хил табиатини очиб беради. Бир томондан, ривожланиш ва эскиликни инкор этиш, ўтмишдан ўзилиб, янгиликни бунёд қилиш. Иккинчи томондан, тарих ўтмишнинг барча бораёт қадриятларини, хоҳ у салбий ёхуд ижобий бўлсин, сақлаб, ҳозирги ва келажак замонга кўчириб ўтказади. Фақат икки хусусиятларнинг уйғунлиги: бир тарафдан, ривожланиш ва янгиликни яратиш, иккинчи тарафдан, ўтмиш билан ворисийликни сақлаш орқали тарихий ҳақиқат ҳақида тағриш мумкин. Шунинг учун ҳар қандай ижтимоий-фалсафий ёки ғоявий-сиёсий конструкция шу қонуниятларга суянса, ижтимоий объектининг шариоитини ифода этса, тарих сабоқ фанига айланади.

Миллат тарихи эл ва улусларнинг бир-бирини маъв этишдан иборат ҳукмдорлар тарихи эмас. Ҳақиқий тарих – инсон, миллат тафаккури эволюцияси, ривожланиш диалектикаси, унинг маънавий юксалиши, қалб зиддиятлари, қувонч ва изтироблари, аждоқларимизнинг даҳолик қудрати ва заифлиги ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборат бўлган яхлит тарих. Халқнинг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан, дин ва маданият, давлатчилик табиғати умумий тарихнинг асосини ташкил этади. Миллий давлатчилик асосларини яратган халқнинг имон-иродаси ўрнига фақат сулоларлар ўртасидаги жангтоҳлар тарихи бизга қандай сабоқ бериши мумкин? Хоразмшоҳлар тарихи билан боғлиқ бўлган аксарият яратилган тадқиқотларда ана шундай тарих ифодаланган. Яхлит, узвий, бутун тарих йўқ. Шу сабабдирки, ўқувчилар учун тарихий шахсларимиз қиёфаси йўқ, сиймолари хира. Баъзида уларни умумий тарих силсиласидан айри ҳолда ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ҳам эълон қилинган.

Бугун мустақиллик шариоитида, мафкуравий измлар таъсиридан холи бир шариоитда миллий тарихимиз ва улуг шахсларимиз ҳаёт-фаолиятини ўрганишда қандай ўзгаришлар ҳамда натижаларга эришса олдик? Тарихий шахслар янги тадқиқотларда қай даражада кенг қамровли ва муносиб баҳоларини олмоқда? Афсуски, давр, вақт, тузум ўзгаришдан бўлсада, миллий тарихини тадқиқ этиш услубимиз ва амалииш ўзгариши ниҳоятда секин кечаётганлиги бор гап. Илмий ёндашув конструкцияси ҳам ўзгарган эмас. Менимча, биз ҳамон рўқий ички чекловларимиздан чиқиб кета олмаймиз. Охирги йилларда аксарият мавзулар ва эълон қилинаётган айрим адабиётларда хронологик баёнчилик, тарихий манбаларни такрорлаш, бирқеълама талқин этиш, саёз ва беўхос оқшилар, баъзида ривоятларни «ҳақиқат»га айлан-тиришга уринишлар кўзга ташланиб турибди. Сўз, ҳамон тарихий ҳолатини кутиб келаётган Муҳаммад Оловуддин Хоразмшоҳ ҳақида.

1200 йиллар Хоразмшоҳлар давлатининг босқичма-босқич юксалиши ва мустақамланишининг бошланиш йиллари бўлди. Мусулмон дунёсининг шарқдаги мураккаб сиёсий вазиятда давлатнинг мустақамланиши маъмурий аппарат ва армиянинг мукамал ташкил этилиши тўғрисидаги мумкин бўлди. Ва тез орада бу давлат Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларидан энг қудратли давлатга айланди. Давлатнинг ташкил топиши даврида Хоразмшоҳлар томонидан йиғилган армия турк аскарларидан иборат эди; ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар қабилла хусусиятларига кўра тузилган, ҳатто давлатнинг гуллаб-ғашнаган даврида ҳам, бошқа қабилаларнинг вакиллари қўшин сафига жалб қилинганида, турклар асосий зарба берувчи кучни ташкил қилганлар. Хоразмшоҳлар давлатида аҳолини ҳарбий билимларга мажбурий ўқитиш тизими жорий этилган.

Давлатнинг қудратли маъмурий ва ҳарбий тизимини сақлаш ва уни янада

шакллантиришга, мустақамлашга эришган шахс бу – Муҳаммад Оловуддин Хоразмшоҳ бўлди. У отаси Такиш ишини муносиб давом эттириб, Хоразмшоҳлар давлатчилик анъаналарига, ворисийлик тартиботларига риоя қилади. Отаси ҳурмат ва илтифот кўрсатган шахслар, уларнинг фарзандлари ва авлодларини салтанат барқарорлиги йўлида хизмат қилдиради. Чукур илми, раҳбарлик ва бошқарувчанлик, ташаббускорлик ҳамда инсонпарварлик, қатъият ва жасорати билан салтанат аъёнлари ўртасида ҳурматга сазовор бўлади. Айниқса, адолатли ва мантиқли қарорлари, унинг ижроси борасида ҳеч қимда шубҳа-эйтирозлар уйғотган эмас. Давлат хизматчиларини танлаш, муносибларини хизмат лавозимларига кўтариш, улар фаолиятини мунтазам назорат этиш, турли манфаатлар ўртасида мувозанатни сақлаш бора-сида ёш, аммо зукко ақл соҳиби Муҳаммад Хоразмшоҳ том маънодаги ҳукмдор фазилатини намён этади. Айнан ҳукмдорнинг шундай сифатларига ҳокимиятни нафақат сақлайди, балки уни тақомилга олиб боради. Хоразмшоҳ шу салоҳият ва иқтидори билан 20 йил ичидида шакллантирган давлат қудрати тўғрисида буюқ тарихий шахслар қаторига қиради.

Тарихий шахслар ўз фаолияти билан нафақат бевосита, балки билвосита ўлимидан кейин ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши ва жамиятлар тарихи ва кейинги ривожланишида сезиларли из қолдириши маъълум. Айни пайтда, у нафақат ижобий, балки салбий ҳам бўлиши мумкин. Афсуски, аксарият тарихий шахс талқинларининг сиёсий ва миллий илтиёзлар орқали татбиқ этилиши натижасида уларнинг интелектуал ва ахлоқий фазилатларига муносиб баҳо берилмаётган. Маворауннаҳр тарихида, хусусан, Хоразм давлатчилиги тарихида муҳим рол ўйнаган зиддиятчи, мураккаб, аммо улугвор шахслардан бири Муҳаммад Оловуддин Хоразмшоҳ фаолияти муносиб ва ҳолис талқин ва тадқиқотларини кутиб ётибди. Шу жиҳатдан ёндашилганда, ҳукмдор фаолиятида сўнгги йилларда вужудга келган зиддиятлар – унинг нафақат инсон сифатидаги заифликлари, балки Ибн Холдун таълимотида келтирилган, давлатнинг ибтидоиси билан интиҳоси сабаблари ҳам тадқиқот изланишларидан четда қолмаслиги зарур.

Тарихда шахсият бу – аниқ индивидуалликка эга, бошқа одамлардан қайсибир маънода ва нафақат ижобий, балки салбий маънода ҳам фарқ қиладиган шахслар тоифаси. Хўш, шу маънода буюқ шахс ким? Салбий хусусиятларга эга шахсларми ёки ижобий? Кўпинча, шахслар фақат ижобий ёки салбий хусусиятларга мос келмайди. Ҳукмдор ўз мавқеи ва мақомига кўра мутлақо бошқа қаторга. Улар оддий ўлчамадан фарқ қилади. Хусусан, отаси Муҳаммад Ибн Такишдан қолган меросни кенгайтирган ва унга 20 йил раҳномалик қилиб, Хоразм давлати довури ва шуқуҳини кўтарган шахс унинг таназзули билан қораланиши, қолаверса, авлодлар томонидан қатогон этилиши тарихий ҳақиқатга қанчалик мос келади?

Тарихий шахслар ҳар бир инсон каби, ҳамма хусусиятга эга, фақат турли даражада. Шунинг учун, масалан, замонавий психологияда шахсининг тан олинган қатор таърифлари мавжуд. "Тарихий шахс" тушунчаси одатда сиёсий арбоб фаолиятининг йирик тарихий воқеалар билан боғлиқлигини акс эттиради, ўзининг шахсий изини қолдиради. Тарихий шахсларнинг фаолияти у яшаган даврнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг ахлоқий танловини, ҳаракатларининг мантигини ҳисобга олган ҳолда баҳолашини талаб қилади. Зеро, тарихий шахсларнинг буюклиги у ўз даврининг катта ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган салоҳиятларга эга. Буюқ инсон айнан ташаббускордир, чунки у бошқалардан кўра кўпроқ нарсани кўради ва бошқалардан кўра кўпроқ нарсани ҳоҳлайди. Лекин тадқиқотларда биз назардан қочираётган шахс фаолияти эл, жамият ва унинг маданий мероси, дину-қадриятлари сил-

силасида уйғун тадқиқ этилмайди. Натижада бутун халқ тарихини шахс фаолияти билан баҳолаб қўямиз. Бинобарин, шахс салбий бўлса, шу давр ҳам, халқ қисмати ҳам салбий бўёқларда ифодаланади. Аслида ҳар қандай шахс ва унинг тақдири шу халқнинг турмуш маданияти махсули.

Тарихий шахс фаолиятини ўрганиш кимнинг манфаатларини, нима учун айнан шу шариоитда ва у нимага, қандай намоён бўлади, деган саволларга жавоб ахтаришдан бошланади. Мавжуд вазият ва шариоитларда у ёки бу ўзгаришларни амалга оширишга эришишга қодир инсонлар тарихий шахс даражасига кўтариладилар. Бунда тарихий услубларнинг бир қанча турларини уйғун қўллаш тақозо этилади. Аксарият шахслар ҳар доим ҳам умр бўйи бирон-бир ғоя ва қадриятнинг тарафдорлари бўлиб қолмайдилар. Баъзан уларни вақт, шариоит тақозоси ўзгартиради, баъзан эса улар бирон иш қилишга мажбур бўлганликлари учун ўзгарадилар, бошқалари эса ўз ҳокимиятларини сақлаб қолши илжида бошқача қиёфага киришга мажбур бўладилар. Уларнинг орасидан авлиёларни излаш керак эмас. Тадқиқотчи ушбу муаммолар ўртасидаги ўзаро боғлиқ даврий занжирларни ўрганиши билан ижобий хусусиятларни топа олиши зарур. Шунда тарихнинг фалсафаси вужудга келади.

Тарихий далилларнинг мантиқий алоқадорлигини ўрганар эканмиз, улкан ҳудудларни тасарруф қилиб турган Хоразмшоҳ ўз юртининг тинчлиги ва фаровонлиги учун барчани барчага қарши қўйиб келатган иштилофи оламнинг ғойиб ҳукмдорига айланади. Ўзининг агрофида кенгайиш, табора қудратли бўлиб келатган давлатларнинг мавжудлиги уни кўпроқ ташвишга солади. Ўз ҳақиқатларига эга бўлган мазкур важдарни қиёсий ўрганганимизда Хоразмшоҳ давлат манфаатлари юзасидан қарор қабул қилганлиги эътироф қилишимизга тўғри келади. Чингизхон (1206–1227) босқини арафасида Хоразмшоҳлар сулоласи дунёнинг энг қудратли сиёсий кучларидан бирига айланган. Орол денгизидан Ҳинд океанигача, Ироқдан Шарқий Туркистонгача бўлган улкан ҳудуд тақдири Хоразмда ҳал бўларди. Аммо бугун бизда у шу даражадаги муваффақиятларга қандай усуллар билан эришди, унинг бошқарув тизими, амал ва воситалари, саркардали маҳоратлари, ички ва ташқи душманларнинг таъсири қандай кечган, сиёсий ахлоқий маҳорати, имон-эътиқоди қандай сифат ва қарашлардан иборат эди, деган саволларга жавоб берадиган тадқиқотлар яратилдим?

Бугунги кунда тарих мутахассислари олдига тарихини фан сифатида инсонлар варағлаштириш вазифаси турибди. Бу, биринчи навбатда, тарихдаги шахсларга эътиборни қучайтириш, тарихий жараёнда шахснинг ўзини-ўзи қадрлаши ғоясини очиб бериш, давлатчилик мероси, келгуси авлодлар учун олинлиши лозим бўлган маънавий-мафкуравий сабоқларни англашти билан боғлиқ масалаларни ташкил этади. Бу нафақат ўрганилган тарихий шахслар сонини кўпайтиришга хизмат қилади, балки ўтмишдаги таникли одамлар ҳаётини туркий халқлар маданиятининг тарихий илдиэлари билан таҳлил этишни тақозо қилади.

Муаррихларнинг маълумот беришлари, Султон Оловуддин Муҳаммад шахс сифатида ҳам камолотга эришган инсон эди. У фикр-илмини ва ислом ақидаларини, шунингдек, бошқа илмларни ҳам яхши билган. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, "У алломаларни улуғлаган, ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, илмий ишларини амалга ошириш учун ёрдам берган, улар билан мулоқотлар қилишни хуш кўрган. Хоразмшоҳ қўшинлар билан юришларда, сафарларда чарчас нимаалигини билмаган, аксарият вақтини тик оёқда ўтказган. Шу билан бирга у тўй-ҳашамларга, зиёфатларга, байрамона тадбирларга ўч эмасди. Унинг бутун фикр-ўйи мамлакатни бошқариш, давлат юритиш, уни яхшилаш ишларига, аҳолининг ташвишларини енгиллаштиш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган эди. У исломга хизмат қилаётганларга ҳурмат-эҳтиром билдириб, улар билан учрашиш ва суҳбатлашишни хуш кўрган". Аксарият манбаларда шундай таъриф ва тавсиф келади.


Аммо аксарият замонавий тадқиқотларда Муҳаммад Хоразмшоҳни "жоҳил, кўрқоқ, нодон" киши сифатида таърифланган ҳолда илмий асослардан маҳрум бўлган эҳтиросли хулосаларни кузатамиз. Илмий мушоҳада, ҳолислик ва объектив ва субъектив омилларни маърифий позицияда ифода этишдан холи ғайриилмий ёндашувлар янги авлодларга қандай таъсир кўрсатар экан?! Тарих силсилаларини, эврилиш ва тебраниш жараёнларини фақат шахслар тақдири билан боғлаб ифодалаш тарихий ҳақиқатни идрок этишга хизмат қиладими? Тарихий талқинлар ҳолис ва мукамал бўлиши учун фалсафий, сиёсий, социологик ва тизимли талқинлар жараёнларнинг математик моделини яратишга қаратилиши лозим. Шундай қилинганда Хоразм давлатчилиги ривож учун унинг қилган саъй-ҳаракатлари қиймати юқори бўлганлиги кўзга ташланади. Айни пайтда, отаси Такишдан қолган меросни у қанчалик даражада юксаликка кўтара олганлиги, унда сиёсий муҳитнинг динамика таъсири кучлар нисбатини ўзгаришга олиб келган омиллар билан янада равшан бўлади. Шундай экан, бундай шахсни ношуд ва сиёсий калтабинликда айблаш қанчалик тўғри бўлади? Боз устига айрим тадқиқотларда Жалолиддин Мангубердини отасидан устун ҳисоблаш ва унга қарши қўйиш тенденцияси мавжудлигини ҳам кузатамиз. Ваҳоланки, тарихий фактларни қиёслайдиган бўлсак, Оловуддин Муҳаммад Жалолиддин Мангубердини имкони борида ҳимоя қилади ва авайлайди. Унинг қудрати ва салоҳиятига бир дақиқа ҳам шубҳа қилмайди.

Тарихий шахсни баҳолаш турли нуктага назардан, шу жумладан, ўша инсон яшаган давр нуктаи назаридан ҳам амалга оширилиши муҳим. Оловуддин Хоразмшоҳ ҳақида сўз борганда, аксарият ҳолларда ўша давр эътибордан соқит қилинади ва унга бугунги кун нуктаи назаридан баҳо беришлар кучади. У давлатнинг калтабин, нобоп, кўрқоқ раҳбари сифатида айбланади.

Хоразмшоҳ бутун олам шаҳаншоҳи бўлиш ҳаёлотидан уни амалда исботлайдиган қудрат соҳиби эдимиз? Албатта, унда иқтисодий ва ҳарбий қувватлар бемисл эди. Хоразмшоҳга бўйсунган шаҳарларнинг ўзи 400 тадан ортиқ бўлиб, бу шаҳарларнинг қарийб ўчдан бир қисмидан кўпроғи Буюқ ипак йўли орқали жаҳон иқтисодий алоқалари билан боғланган, савдо-сотик ва ҳунармандчилик ривожланган фан-маданият ўчоқлари эди. Агарда вилоят ва шаҳарлар ҳамда нобилларда ялли сафарбарлик ўтказиладиган бўлиб, ҳарбий ҳолат эълон қилинадиган бўлса, миллиондан ортиқ қўшин фармонга итоаткор бўлиб, жангга отланиш имконияти мавжуд бўлган.

Тарихий ривожланишининг ҳал қилувчи лаҳзаларида, инсон ўз тақдирига ҳам, мамлакат ва унинг халқи тақдирига ҳам таъсир кўрсатадиган танловни амалга оширганда, шахснинг фаолиятини тавсифлашга алоҳида эътибор берилади. Бу талаблар тарихни ривожлантиришининг мумкин бўлган муқобили тарихий таҳлил қилишга жалб қилиш, родини кўрсатиш имконини беради. Танлов вазиятлар, инсоннинг тарихдаги ҳаётий позицияси, бу танловнинг сабаблари ва оқибатларини уйғун ўрганишга имконият беради. Макур услубий талқин таъсири асосида якка шахсни (собиқ совет давридагидек) қоралашдан фарқли ўлар, тарихий вазият ва шариоитни бутунлигича комплекс тадқиқ этиш асосида Хоразмшоҳ сиймоси, давлатининг мўғуллардан мағлуб бўлишига, қулашига сабаб бўлган омилларни объектив илмий хулосалар чиқаришга хизмат қилади.


Шахснинг тарихдаги родини ўрганиш ва тарихий жараённинг ушбу шахснинг шаклланишига таъсири бизнинг давримиз учун жуда долзарб йўналишлардир. Кучли, таникли шахсларсиз тарих бўлиши мумкин эмас, худди у шаклланган ва намоён бўлган тарихсиз шахс ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда шонли тарихимизни яратишга ҳисса қўшган улуг шахснинг давлатни барқарор қилиш, миллатга хизмат қилиш йўлидаги фожеаларидан ҳам хулоса чиқариш ва сабоқ олиш ниҳоятда муҳимдир.



ЧЕРЧИЛЛНИНГ ҲАЗИЛОМУЗ ҲАҚИҚАТЛАРИ

- Душманинг борми? Демак, ҳаётингда ниманидир уддалабсан.
- Ақлли одам ҳамма хатони ўзи қилмайди, бошқаларга ҳам имконият беради.
- Ўз фикрини ҳеч қачон ўзгартирмайдиган одам – аҳмоқ одам.
- Яқинларингизга соғлик ва бойликдан кўра кўпроқ омад тиланг. Зеро, "Титаник" дағиларнинг ҳаммаси бадавлат ва соғлом эди. Омад эса саноқчиларга насиб қилди.
- Сиёсат урушга ўхшайди, фарқи шундаки, урушда бир марта ўласан, сиёсатда эса кўп марта ўласан.
- Ҳаётнинг энг улуг сабоқларидан бири шуки, баъзан аҳмоқлар ҳам ҳақ бўлиб чиқшиади.
- Бировни ўлдиришдан кўра уни сотиб олган афзал, чунки ўлимдан кўра сотилиш маъқулроқ.
- Биз катта воқеалар ва майда одамлар даврида яшамоқдамиз.
- Мамлакат учун оғир кунлар бошланганда, афсоналар жонга оро қиради.
- Икки киши уришса, учинчиси утиб чиқади.
- Ҳар бир ақиллаган итга тош отаверсангиз, манзилга ҳеч қачон етолмайсиз.
- Бургутлар жим қолганда, тўтиқушлар тилга қиради.

Алберт ЭЙНШТЕЙН:



АГАР БАХТЛИ ҲАЁТГА ЭРИШМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Тасаввур билимдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Билим биз ҳозир биладиган ва тушунадиган нарсаларгагина таянади. Тасаввур эса бутун оламни ва биз қачонлардир тушунадиган, билиб оладиган нарсаларни ҳам қамрайди.

Буюқ ақллар ҳамиша ўртача ақлларнинг шиддатли қаршилигига дуч келади. Чунки ўртача ақл эгалари эскича фикрлашдан йироқ, ўз салоҳиятидан мардона ва ҳаллол фойдаланадиган кишиларни қабул қила олмайди.

Агар бахтли ҳаётга эришмоқчи бўлсангиз, одамларга ёки нарсаларга эмас, мақсадларга боғланган бўлишингиз керак.

Муваффақиятга эришиш учун эмас, ҳаётинга маъно касб этиши учун интип. Одамнинг ҳаёти бошқалар ҳаётини қай даражада гўзал ва мазмунли этганига қараб аҳамиятлudur.

Буюқ шахслар гўзал нутқлар воситасида эмас, ўз меҳнатлари ва уларнинг натижалари орқали шаклланади.

Мантиқ сизга А нуктадан В нуктага бориб олишингиз учун ёрдам беради. Тасаввур эса бутун дунёни кезишингиз учун қанот бағишлайди.

Манбалар асосида Гулнор ЮНУСОВА тайёрлади.

Ибрат

“*Хаёт барчамизга ибратли сабоқ беради, қолаверса, ҳар бир инсоннинг бошига тушган қийинчиликлар уни қурашларда тоблайди*”, дейди Тошкент вилояти, Пискент туманининг “Мустақиллик” маҳалласида истиқомат қилувчи, “Жасорат” медали соҳиби Дилмурод ЖАББОРОВ.

Тақдир синовларини матонат билан енгиб, юртига, маҳалладошларига нафи тегаётган элдошимизнинг ҳаёти кўпчиликлари намуна бўлади, деган умиддамиз. Сухбатимиз унинг ҳаёт йўллари, тақдири ҳақида бўлди.

МЕТИН ИРОДА СОҲИБИ

– Дилмурод ака, қишлоғингиз, маҳаллангиз жуда обод экан. Кўрган кўзни қувонтиради...

– Қишлоғимиз жуда файзли, кундан-кунга чиroy очиб, кўрking кўрк қўшилмоқда. Одамларнинг турмуш тарзи янада яхшиланмоқда. Юртимиз тинчлиги, осмонимиз муссаффолигининг ўзи инсонга қувонч бағишлайди.

– Нафақат маҳалладошларингиз, қишлоқдошларингиз сиз ҳақингизда фахр билан гапиришди. Бундай ҳурматта эришининг ўзи бўлмаса керак, а?

– Кўни-қўшни, ёру биродарларимиз ақиллиги, бирдамлигидан кўзим қувонади. Менга ўз вақтида уларнинг ҳам ёрдами теккан. Ўна қаттиқ дейишса, тош деган эканлар, сўнгра, тошдан ҳам бош қаттиқ, дейишган экан. Буни ҳамма ҳам тушунавермайди. Бошига тақдирнинг оғир синовлари тушган инсонгина бу мақолнинг асл маъносини англаб етати. Мен ҳаётимда оғир кунларни кўп бора бошимдан ўтказганман. Кўриб турганингиздек, Аллоҳ мени ва ота-онамни туғилганимдаёқ синаган: кўлларим ва оёқларим ривожланмай қолган, бунинг устига ишламайди ҳам. Онам Яратган суйган бандаларини синовларга таштайди, дея мени овутилади. Тақдир азални ўзгартириш бандасининг қўлидан келмайди. Мен ақлимни таниман, сабр-тоқатли бўлишга ўргандим, онам ҳамиша ёнимда бўлиб, шукур қилишни ўргатдилар. Ишимга келсам, кўни устонада ўтади. Шогирдларим билан қишлоқдошларимизнинг бузилган телефон, радио ва телевизорларини тузатиб берамиз. Уларнинг хурсандчилигини кўриш, миннатдорлигини эшитиш менга янада катта куч ва илҳом бағишлайди.

– Сизда бу касбга қизиқиш қандай ўйонган? Баъзи имконияти чекланган одамлар боқимандалик касалига мубтало бўлишган...

– Болалигимда ҳеч иш қилмасдан зерикиб, сиқилиб ўтирдим. Ҳаёт мен учун тўхтаб қолгандек туюлар, нима қилишни билмас, ўзимни кераксиз ҳис қилар, ҳатто яшагим ҳам келмасди. Фақат телевизор кўрардим, аммо бошқа қаналга ўзгартириш учун кимдир ёрдамга чақиришга тўғри келарди. Бундай ҳолат эса мени янада тушунликлари туширар эди. Шундай вақтда ўзимни худди тубсизлик қаърига тушиб кетгандай ҳис қилардим, чорасиз, имконсиз эдим. Тақдир ёзиғидан, уни ўзгартириб бўлмаслигидан қаттиқ сиқилардим, ҳатто йиғлардим... Ҳа-а, нимасини айти, бардошим қолмаган, чорасиз эдим. Бироқ чидаш керак эди! Булар ҳаммаси ўтиб кетади, ёруғ келажакка ишон, қўлингдан келадиган, бахтни сенга ҳеч ким бермайди, у сенинг борлигингда яшайди, дердим ўзимга ўзим.

Уйимизда эски, бузуқ телевизор бўларди, уни таъмирлаш анча машаққат талаб қиларди. Бир кун ишта уни тузатиш учун уста келди. Устанинг олдида ўтириб, унинг ишларини кузатдим. Телевизорни очиб, қайси симни нимага улади, лампаларини қандай алмаштирди, барчасини кунт билан кузатдим. Телевизоримизнинг осонгина тузулиши мен учун мўъжизанинг ўзгинаси эди. Хотирам жуда ҳам ўткир – устанинг ҳар бир ҳаракати ҳалигача кўз ўнгимда турибди. Мен ҳам устанинг ишини такорлаб кўрдим, менга кўлларим ёрдам бера олмаса ҳам, менда Аллоҳ берган тишларим, тилим бор эди. Мен шу аъзоларимдан фойдаланиб, телевизор, телефон ва радиоларни тузата бошладим. Уйда бузилган маиший техника асбоблари қолмагач, қўшилари-никига ўтдим. Бора-бора бутун маҳалла ва қишлоқдошларим бузилган нарсаларини олиб кела бошладим. Мен улардан уста ҳаққи сўрамасдим, ўзлари кўярда-қўймай боғида етиштирган мева-чева, қовун-тар-

вузлардан бизга илинишарди. Миннатдорлик билдириб кетишарди. Бу менда ўзимга бўлган ҳурмат ва ишончни ўйотди.

– Машаққатли меҳнат экан, мен бунини эплай олмайман, деган ўй ҳаёлингиздан ўтмадими?

– Баъзида миқозларнинг нарсаларини бузиб қўярдим, телефон, телевизор ва радиоларни ишдан чиқариб қўярдим. Бундай пайтлари қийналардим, албатта. Оёқ-қўл ёрдамсиз бу ишни уддалаб бўлмайди, дея қичқирардим ўзимга-ўзим. Йўқ, уддалайман, уддаламасам бўлмайди, худойим мени чорасиз қолдирма, дердим-у яна олдинга интилардим.

Касбимнинг қийин томонлари ҳам бор, албатта. Электр билан ишлаганим туфайли ток урган, жиддий жараҳатлар олган пайтларим ҳам бўлди.

Умрим дарчасидан дунёга мўраласам, умрини беҳуда елга соғураётганларни кўриб, менинг ҳаётим мазмун-моҳиятга эга, деб биларман.

– Ўзингиз айтганингиздек, инсоннинг мақсадсиз яшаши, қийинчиликларни енгизиш мушкул. Сизнинг ҳаётдаги мақсадингиз нима?

– Мен тинимсиз олға интилишни, ишимни ривожлантиришни хоҳлайман. Инсонларга ўзимиз қилган ишларни кўрсатиш, менинг ҳам қўлимдан нимадир келишини исботлай олиш, қандай ҳолатда бўлсам ҳам, оз бўлсада маҳалладошларимга фойдам тегиши, одамларнинг оғирини енгил қилишга ўз ҳиссамни қўлишни истайман. Менинг қилган меҳнати натижасида кимдир устонамдан хурсанд бўлиб чиқиб кетишини кўриш мен учун катта қувонч ва ҳузур бағишлайди. Бугун қишлоғимиз ёшларидан бир қанчаси ёнимга келиб, шогирдликка тушиб, касбим сирларини ўрганишиди, ўрганишяпти, ўзлари ҳам устоналар очишди, элга хизмат кўрсатишяпти.



Мақсадим янада кўпроқ ёшларга касб сирларини ўргатиш, улар ҳам, ўзим ҳам ҳамиша халқ хизматида бўлишдири. Ҳалол меҳнат машаққатини тотиб кўрган инсон енгил ҳаётга талпинмайди, ҳаётда ўз меҳнати билан қадр топади. Ёшларни шу рўҳда яхшиликка ёндош қилиб тарбиялашга ҳиссам қўшилса, бундан катта бахт борми! Мана, шулар туфайли кўнглим хотиржам бўлиб, ишимда ривож бўлади.

– Бу борада, қийинчиликларингиз қандай енгасиз?

– Ҳамма нарсанинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади. Уни енгмасак, у бизни енгади ва яна муаммолар туғилаверади. Уша машаққатли йўлни енга билсаккина ниятимизга ета оламиз, енголмасак, барчаси бефойда. Баъзан ишимда муаммо пайдо бўлади – ахир қўлсиз, фақат тишдагина ишлашнинг ўзи бўлмайди. Тузата олмаган нарсаларим бўлса, тонггача ухлай ол-

майман, камчиликини қидираман, изланаман, тузатиш йўлини топмагунча қўймайман. Лабларим ва тишларимни қўлларим ишини бажаришга йўналтираман. Яратган инсонга шунчалар ақл-идрок берганки, баъзида у мумкин бўлмаган ишларни ҳам бажара олади. Муҳими, кучли ирода, мақсад ва ҳаракат муштараклиги.

– Сиз учун бахт нима?

– Инсоннинг дунёга келганининг ўзи бахт! Яқинларим менга тиргак бўлиб, қўллаб-қувватлаб, жисмоний камчилигимни тўлдиришга доим ёрдам бериб келишади. Мана шулар – менинг бахтим!

– Орамизда шундай одамлар борки, тўрт мучаси соғ бўла туриб, меҳнат қилгиси келмайди, оиласи тинчлигининг қадрига етмайди. Уларга нима деган бўлар эдингиз?

– Мен жисмоний камчилигим бўлгани учун ҳам соғлиқнинг қадрига етсам керак. Инсон ўтган ва кириб келаётган ҳар кунининг қадрига етиши, шукрона қилиб яшаши лозим. “Бугун нима қилдим?” деган саволни ҳар кун ишга бераман, чунки шунчаки яшаб бўлмайди. Яшаш учун куралишга тўғри келади. Аслида орамизда қўлидан иш келмайдиган инсоннинг ўзи йўқ, фақат журъатли, мақсадли бўлишми керак. Чунки инсон дунёга келгандан кейин нимагадир эришиши муҳим. Фақат битта жойда ўтириб, бефарқ бўлишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Ҳозир ҳаёт тарзимиз юксалди, шунга яраша ҳаракат қилишимиз даркор. Барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган, нима қиламан десанг, марҳамат!

– Анча йиллардан бери фаолият юритиб келасиз, ютуқларингиздан қаноатланасизми?

– Ўн беш йилдан бери радио, телевизор, телефон, компьютер технологиялари билан шуғулландим. Шу қаторда маҳалламизда 28-ўрта умумтаълим мактабига фаолият олиб бориб ўқитувчи ва ўқувчиларга дарс ишланмалари, кўргазмалар ва бошқа нарсалар тайёрлаб бераман. Уч йил компьютер соҳасида ишладим, таъмирлаш ишлари билан шуғулландим, шундан кейин аста-секин замонавий асбоб-ускуналарни тузатишга ўтдим. Миржалол, Самандар, Дилшод каби шогирдларим билан зўр бериб ишлардик. Уларга ҳам ишимнинг сир-синоатларини ўргатдим. Замон талаби – янгиланиш, тараққиётга қараб жамоамиз билан қадам ташлашимиз, ҳаракат қилмоқдамиз. Мен бундан бахтиёрман, чунки мен ўз касбимни яхши кўраман.

Ютуқлардан эса қаноатланиб бўлмайди. Аслида ютуқлар ҳар бир инсонни кўпроқ фаолият юритишга ундаши керак!

– “Жасорат” медали билан тақдирланганингизни эшитганингизда кўнглингиздан нималар кечди?

– Ўтган кунларимни, яъни “қўл-оғим бўлмаса, кимга ҳам керакман”, дея ўксиниб ўтирган кунларимни эсладим. Шу билан бирга тишларим ёрдамда минг машаққат билан устачилик қилиб, электр токидан жараҳатлансам, жабрлансам ҳам ишимни давом эттирдим, ёруғ кунларга етганим кўз олдимдан кино лентасидек ўтди. Кўз ёшларимни тия олмадим...

– Мен ўзимни бахтли инсонман, деб баралла айта оламан!

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети журналистика
факультети талабаси
Ойсулу АБДУМАЛИКОВА
суҳбатлашди

Ўднома

ЛУҚМОН БҮРИХОН



Ўтирик (ҳикоя)

Муюлишдан чиқиб келган оппоқ “Ласетти” қассобхона бикинида жонсарак турган, олача чопон, кўк саллалли, жиккак жусса қария ёнида тўхтади.

– Йўл бўлсин, отахон! – деб сўради олд ўриндиқда ўтирган, хумкалла, қош-қабоғи солиқ, қоп-қора одам.

Қария сарсавлат уловга ҳуркинқираб яқинлашди.

– Жалпоқтошга.

– Утиринг, Чалпақтапагача етиб оласиз.

– Маъкул, улим, барака топинг, – деди қария машина орқа эшигига кўл чўзаркан, – нариёғи яқин, бир амалларман.

– Тезроқ қимирланг, бува, – деб қўйди ҳайдовчи норизо оҳангда.

Орқа ўриндиққа ястаниб олган куюк сочлари ораста, силлиқ киши илкис сурилиб қарияга жой берган бўлди.

– Келинг, отагинан.

Қария жойлаша-жойлаша машинадаги ҳар уч киши ҳам кулранг “комфляжка” кийимда эканини пайкади.

“Аскарларми дейман” – ҳаёлидан ўтди унинг.

– Ота, тортинманг, – деди орқа ўриндиқдаги ҳамроҳ узун-қисқа салом-алиқдан сўнг. – Чалпақтапагача, э-ҳе-е, яна қирқ километр, йўл нобол, кулай жойлашиб ўтиринг.

– Раҳмат, улим, раҳмат.

Туман маркази, гавжум кўчалар, серхашам уйлар ҳаш-паш дегунча ортда қолди. “Ласетти” дала-дашт йўлига чиқиб олди. Ўнгу сўлда экин майдонлари, ариқ-зовурлар, яккам-дуккам уйлар қўзга ташланарди.

– Ҳалиги ерда нима қилиб тургандингиз, бува? – деб сўради ҳайдовчи пешойнадан қарияга кўз ташлаб.

– Улашинингма, Жобирнингма “Дамас”и кеп қопариман деб кутиб тургандим. Шу иккови Жалпоқтошдан қатнайди-да.

– Марказга нега келгандингиз? Бозорга тушдингизми? – яна сўради ҳайдовчи.

– Э-э, бозор қайда, болам, – деб қария сийрак соқолини ўйчан силаб қўйди, – са-ал ташвиш билан ҳокимликка келгандим.

Унинг ёнидаги ҳамроҳ чолга ажабланиб кўз ташлади.

– Ҳокимликка дейсизми?

– Ҳа, ҳоким қабулига келгандим. Бизнинг Жалпоқтош тап-тақир дашт. Овулимизга, ҳечқурса, битта қудуқ керак. Кўни-қўшни мени илтимос билан жўнатишди. Ҳокимга учрашиб, арзимизни етказдим, дейишди. Шуйтиб марказга келиб эдим.

– Ҳокимга учрашдингизми? – яна сўради ён ҳамроҳ.

– Ҳа, – уйчан бош ирғади қария, – кирдим, кўрдим.

– Қандай одам экан ҳоким?

– Оппоқ, келишган, бўйинбоғли одам экан.

Ён ҳамроҳ пиқиллаб қулиб юборди. Ҳайдовчи ҳам илжайган қўйи пешойнадан қараб қўйди.

– Эй, – деб пўнғиллади хумкалла, – гийбат қилишга ҳокимдан бошқа одам қуриб қолганми санларга.

Қария, булар сўзларимга ишонмади, деган ҳаёлда шоша-пиша айтганларини исботлашга киришди.

– Чин, яхши одам экан. Мени қулиб қутиб олди, чой қуйиб берди.

– Ҳатто, чой ҳам қуйиб бердимиз? – ён ҳамроҳ қарияга худди ҳайратлангандек тикилди.

– Ҳа, Эшиккача кузатиб ҳам қўйди.

– Арзингизни тингладимиз?

– Ҳа, ҳал қилиб берамиз, деб айтди.

– Сизни алдаб-сулдаб қичариб юборган, – деди ён ҳамроҳ бош чайқаб, – У илтимосингизни бажармайди.

– Нега бажармайди? – ажабланиб унга тикилди қария. – Ана, Президентимиз халққа қайиш, ёрдам бер, деб ҳар кун ийтиб турибди-ку. Юртбошимизнинг ишонган вакили бўлгандан кейин бажаради-да.

– Сиз ҳоким Президентнинг ишонган вакили, деб ўйлайсизми?

– Ҳа-да, ишонганидан унга амал берган-да. Биров бир нимани ишониб топширгандан кейин бажариш керак, эсам, лафзсизлик бўлади, улим. Бу катта гуноҳ.

– Демак, – яна заҳаб билан қулди ён ҳамроҳ, – сиз ҳам ҳамқишлоқларнинг ишончини қозони, ишни дундириб қайтайсиз-да.

Қария қафтлари билан юзини силаган бўлиб қўзини яширди.

– Ҳа, энди... қўлдан келганича...

Машина сап-сарик, тап-тақир дашт қўйида узалиб кетган, эгри-бугри, паст-баланд йўл бўйлаб оҳиста елиб борарди. Ур-калтақдан шишиб кетган бададан қир-тепаликлар бирин-кетин ортда қола бошлади.

– Узр, улим, – деди ён ҳамроҳига юзланиб қария, – сизларга йўл бўлсин? Чўпонларнинг отарига борасизларма?

Ён ҳамроҳ узун бир хомуза тортиб олган:

– Шўрсойда ишлаётган геологларни кўрган-мисиз? – деди.

– Анови буровойчиларни айтаяпсизми? Ер қовлагичларни? Ҳа, кўрганман.

– Мен ушаларнинг бошлиғи бўламан. Ишга кетяпман.

Қария беихтиёр унинг қўлидан ушлади.

– Сизни менга Худо етказди, улим. Худди сиз керак эдингиз менга?

– Ия, нега?! Тинчликми? – деди ён ҳамроҳ чинакамига ажабланиб.

Ҳайдовчи ҳам пешойнадан қизиксиниб қараб қўйди.

– Ҳа, сиз керак эдингиз, – деди қария қувончдан кўзлари порлаб.

– Хизмат борми?

– Ҳа. Бизнинг қишлоққа қудуқ қовлатиб беринг, илтимос.

– Ия, гапингиз қизиқ бўлди-ю, ҳозиргина идорага кириб чиқдим, ҳоким муаммони ҳал қилиб беради, деб айтдингиз-ку?!

Қария худди ичи оғрийтгандай юзларини буриштирди.

– Туврасини айттайми сизга?

– Туврасини айтинг.

– Боя, – деди қария минг бир хижолат ичида, – сап-пал ўтирик сургандим.

– Ўтирик?! Ўтирик сургандим?! Нима деганингиз бу?

– Ёлгон гапиргандим демоқчилар, – изох берган бўлди ҳайдовчи.

Ён ҳамроҳ илҳайди.

– Ҳа-а, шунақаи ҳали... жа-а... қув кўри-насиз-а, отахон.

– Шундай бўп қолди-да, улим. Гапнинг тувраси, ҳокимликнинг иморатини кўрган пайтим тиззам қалтираб кетди. Ахир бу ерда қанча одамлар ўтирмайди-да, туврама?

– Тувра.

– Шуйтиб, ана кейин... ўйладим, ҳоким давлатнинг одами, зарил-зарил ишлари кўп, биз-дачкалар билан шуғулланишга вақтимиз, ҳафсаласи ҳам йўқ, майда-чўйда илтимос билан у кишининг бошини қотирмайлик деб... ана кейин... эшикнинг олдида туриб-туриб изимга қайтдим.

– Ия, галатий-ю, отахон, ҳамқишлоқларнинг илтимоси нима бўлди, ҳали ўзингиз айтгандай, ишонч масаласи нима бўлди?

– Гапни охиригача эшитинг, улим...ана кейин... қишлоққа бориб, ҳокимга учрашдим, шанба кун иел, маблаг бераман, шу пулга қудуқ қаздириб оласизлар, деб айтди дейман.

– Нега айнан шанба кун? – сўради ён ҳамроҳ тобора қизиқиши ортиб.

– Ана кейин... шанба кун иел-опти қўй ҳайдаб бозорга тушаман, сотаман, пулини овулга олиб бораман, мана, ҳоким сўзида турди, маблаг бериб юборди, дейман, буровойчилар билан гаплашиб, шу пулга қудуқ қовлатамиз, деб маслаҳат соламан.

Пешойнадан қараб-қараб қўяётган ҳайдовчи таажжубланиб сўради:

– Ўзингизнинг ҳисобингиздан қудуқ қовлатмоқчимисиз?

– Ҳа, энди-и, улим, мол кетса, кетар, лекин одамларнинг ишончи ўлмасин, уйдан шу ишни бўйинга олиб чиққандан, ўртада лафз бор, харажат қиламан-да. Бошланишига шу пул етар, қолганига ҳам Худо пошшо.

– Харажати сиз қиласиз, югур-югур ҳам сизнинг бўйинида, иззат-обуру ҳокимга экан-да, – деди ён ҳамроҳ қарияга синовчан кўз ташлаб.

– Ҳа, энди-и, – деб жилмайди қария, – у киши ҳам шу эл учун қуйиб-пишиб юрибди, қайишганимиз маъқул-да.

– Сиз жа-а галати фикрлар экансиз, отахон. – Улим, – қария яна ён ҳамроҳнинг қўлини қафтига олди, – илтимос, ёрдам беринг, харажатга тайёрман, айтганингизни бераман, юзимни ёруғ қилинг.

Ён ҳамроҳ яйраб қулди.

– Отахон, сизнинг юзинингиз ҳаммаша ёруғ. Сиз ўтирик сурганингиз йўқ. Сиз чиндан ҳам ҳокимга учрашдингиз, илтимосни етказдингиз.

– Йўғ-а, қайтиб?

– Ана, – ён ҳамроҳ олд ўриндиқда ўтириб, гўё дала-даштни кузатиб кетаётган хумкалла, қоп-қора кишига ишора қилди, – сиз айтган оппоқ, келишган ҳоким шу ерда...

Ҳайдовчи баралла қулиб юборди.

Ҳоким ҳам мийғида илҳайди ортга ўгирлиди.

– Нега қулсанлар? Отахон ўтирик сурмайди, кўнгли оппоқ, нияти тоза одамлар булар, шунинг учун кўзларига ҳамма оппоқ, келишган қўрилади.

Машина салони яна қаҳ-қаҳалардан ларзага келди.

– Эй, сен, майнавоз, – деди ҳоким ҳайдовчига юзланиб, – тувера Жалпоқтошга ҳайда. Отахон ҳокимини ҳам, қудуқ қовлатгани ҳам олдида солиб келганини ҳамма қуриб қўйсин.